

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ГулДУ проректори

_____ Н.Р.Баракаев

« ____ » _____ 2017 й.

«ЁЗМА НУТҚ АМАЛИЁТИ ВА ЎҚИШ»

фани бўйича

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

100000 – Гуманитар соҳа

110000 – Педагогика

5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (Инглиз тили)

2 – Курс

3-4 – Семестр

Умумий ўқув соати – 74+76=150

Шу жумладан:

Амалиёт машғулотлари – 38+38=76

Мустақил таълим соати – 36+38=74

ГУЛИСТОН – 2017 й.

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчи: Ахмедов Р. – ГулДУ “Инглиз тили ва адабиёти”

кафедраси ўқитувчиси _____ (имзо)

Фозилов М. – ГулДУ “Инглиз тили ва адабиёти”

кафедраси ўқитувчиси _____ (имзо)

Тақризчи: Тожиев Х. – ГулДУ ф.ф.н., “Инглиз тили ва адабиёти”

кафедраси доценти _____ (имзо)

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Инглиз тили ва адабиёти” кафедрасининг 2017 йил “___” _____ даги ___ - сонли мажлисида кўриб чиқилиб, факультет Илмий-услубий Кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия қилинди.

Кафедра мудир

Ҳ. Уразбаев

Фаннинг ишчи ўқув дастури Чет тиллар факультети Илмий-услубий Кенгашининг 2017 йил “___” _____ даги “___” - сонли мажлисида тасдиқланди.

Факультет Илмий-услубий

Кенгаши раиси:

Э. Хамдамов

I. КИРИШ

1.1. Фаннинг предмети ва мазмуни

Мазкур фан лингвистик курс ҳисобланади ва тўрт йил давомида уч қисмга: ўқиш модули, ёзма нутқ амалиёти ва илмий ёзув модулига ажратилган ҳолда ўқитилади.

1.2. Фаннинг мақсад ва вазифалари

Мазкур фаннинг мақсади талабаларнинг В2-С1 даража талабига жавоб берувчи матнларни ўқиб, тушунишлари ва турли мавзуларга оид матнларни ёза олиш маҳоратига эга бўлишлари ва эгалланган ўқиш ва ёзиш кўникмаларини касбий ва илмий фаолиятда эркин қўллаш олишларини таъминлашдир.

Фаннинг асосий вазифаси умумэтироф этилган халқаро меъёрларга кўра талабаларнинг ўқиш ва ёзиш кўникмаларини С1 даражага етказиш, шунингдек, илмий тадқиқот иши ёзишнинг бошланғич малакасини шакллантириш ва такомиллаштиришдир.

Мазкур дастур бўйича таълим олган талаба:

- ўрганилаётган асосий чет тилини Умум Европа стандартларига кўра С1 даражада ўзлаштириши;
- ўрганилаётган чет тилида ўқиш ва ёзиш кўникмаларини эгаллаши;
- тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари билан ишлаш усулларини ўзлаштириши;
- матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни эгаллаши;
- ўз фикр ва мулоҳазаларини лингвистик курс мавзуларидан келиб чиққан ҳолда ёзма равишда аниқ ва мантиқий баён этиши;
- битирув малакавий ишини ёзиш, илмий ишни олиб бориш босқичлари, ёзиш услубларини тўғри қўллаш ва илмий матнни таҳрирлаш борасида етарли билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим.

1.3. Фаннинг долзарблиги

Ўқиш ва ёзиш амалиёти фани талабаларга ўрганилаётган чет тилида ўқиш ва ёзиш маҳоратини ўргатишни назарда тутди. Мазкур фан доирасида талабалар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) га кўра В1 ва С1 даражага мос келадиган мавзуларга оид турли матн турларини ўқиб, мазмунини тушунишлари ва CEFR В2-С1 даражаси талабига жавоб берувчи турли матнларни ёзишни ўрганадилар. Шунингдек, 4 курс талабаларига битирув малакавий ишларини

ёзиш, илмий ишни бошлаш босқичлари, ёзиш услубларини тўғри қўллаш ва илмий матнни таҳрирлаш ўргатилади. Ушбу фан ўз таркибида уч модулни – “Ўқиш”, “Ёзма нутқ амалиёти” ва “Илмий ёзув” модулларини мужассамлаштирган.

1.4. Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Ўқиш ва ёзиш амалиёти фани мазкур таълим йўналишлари ўқув режасидаги бошқа умумқасбий ва ихтисослик фанлари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, модуллар кетма-кетлиги ва мазмунига мос равишда 1-8 семестрлар давомида ўқитилади. Ушбу фан лингвистик курс ҳисобланади ва тўрт йил давомида уч қисмга: ўқиш модули, ёзма нутқ амалиёти ва илмий ёзув модулига ажратилган ҳолда ўқитилади. Ўқув режанинг хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш, тил аспекти амалиёти, методика, мамлакатшуносликка оид курслари ва ўрганилаётган чет тилининг назарий курслари - умумий тилшунослик, стилистика ва матн таҳлили, назарий фонетика, қиёсий типология, назарий грамматика фанларидан зарурий билимларни эгаллашда ушбу фан модуллари бўйича ўзлаштирилган кўникма ва малакалар муҳим аҳамият касб этади.

1.5. Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Ўқиш ва ёзиш амалиёти” фани “Хорижий тил ва адабиёти” (тиллар бўйича), “Филология ва тилларни ўқитиш” (роман-герман филологияси) таълим йўналишларида асосий умумқасбий фан ҳисобланади. Олий таълим муассасасини ушбу таълим йўналишлари бўйича тамомлаган бакалаврлар Республикамиз узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланидилар. Шунингдек, хорижий қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар ва уларнинг республикамиздаги бўлимлари, элчихона ва консулликлар, сайёҳлик агентликлари, нашриёт ва таҳририятлар, нотариал идоралар, таржимонлик бюрolariда касбий фаолият олиб борадилар.

1.6. Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш

Фанни ўқитишда шахсга йўналтирилган таълим методи ва чет тилини ўқитишга коммуникатив ёндашувдан максимал даражада фойдаланиш талаб этилади. Машғулотларда дарслик ва ўқув қўлланмалардан ташқари аутентик материаллар: аудио, видео, газета ва журналлар, интернет манбаларидан, интерактив усулларни қўллаган ҳолда ақлий хужум, кейс-стади, лойиҳалар тайёрлаш, ролли ўйин, дебатлар, презентация методларидан кенг фойдаланилади.

1.7. Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

Талабалар ўрганилаётган чет тилида мослаштирилмаган (содаллаштирилмаган) аутентик матнлар, шу жумладан, лингвистик курс мавзуларидан келиб чиққан холда танланган газета ва журнал мақолалари, оригинал хат, брошюра, эълон кабилар билан кўпроқ ишлашлари лозим. Бироқ ўқиш вазифалари талабаларнинг тил билиш даражасига кўра мослаштирилиши мумкин. Ушбу аутентик материалларни қидиришга, улар асосида вазифалар ишлаб чиқишга талабаларни ҳам жалб этиш мумкин. Ўқишга ёрдам бериш мақсадида матн бўйича қизиқарли, ҳаётий саволлар бериш, жоиз бўлса унда учрайдиган янги сўзлар маъносини ўргатиш, ўқиладиган матн мазмунига тааллуқли топшириқлар берилиши мақсадга мувофиқ.

Матнни ўқиш жараёнида бериладиган вазифа ва топшириқлар асосий ғояни топишга, маълум деталларни излашга ундаши лозим. Масалан, матнни ўқиб саволларга жавоб бериш, ёки матндан келиб чиқиб берилган жадвални тўлдириш, берилган гапларнинг тўғри/нотўғри эканлигини баҳолаш, гапларни керакли сўзлар билан тўлдириш каби вазифалар шулар жумласидандир. Матн ўқилгандан кейин бериладиган вазифалар талабаларни матнни ҳар томонлама муҳокама қилишга ундаши керак. Бундан ташқари талабалар ўз фикр мулоҳазаларини, ҳис-туйғуларини бир-бирларига билдира олишлари ва кўпчилик олдида эркин ифодалай олишлари лозим.

Шунингдек, талабалар ўқиган бадий асарларини биргаликда муҳокама қилишлари ва қайси бадий асарларни ўқишни хоҳлашлари ва нима учун айнан шу асарни танлаганларини муҳокама қилишлари мумкин. Бадий ўқиш талабаларнинг зарурий ўқиш кўникмаларини ривожлантириб, уларнинг самарали ўқиш стратегияларига эга бўлган китобхонга айланишларига имкон яратади. Курс модуллари давомида талабалар яқка ҳолда, жуфтликда ва кичик гуруҳларда ишлайдилар. Ҳар бир ёзма иш 4 та босқичда ташкил этилади: ёзма иш режасини тузиш, дастлабки (хомаки) вариантини ёзиш ва ўқитувчидан ёки гуруҳдошидан тақриз олиш, таҳрир қилиш ва хатолар устида ишлаш, қайта ёзиш. Мулоқот учун ёзишга катта аҳамият берилган ҳолда дарслар қуйидаги вазифаларга асосланиши мумкин:

- турли интерактив методларга асосланган вазифалар;
- турли ёзма матнлар намуналарини таҳлил қилишга қаратилган машқлар;
- ёзиш жараёнида эътиборга олиниши керак жиҳатларни таҳлил қилиш.

II. АСОСИЙ ҚИСМ

2.1. Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти

1.1. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” (Reading) фанидан машғулотларнинг мавзулар ва соатлар бўйича тақсимланиши: 3-семестр

| Т/р | Машғулот турлари | Мавзу номи | Текст турлари | Умумий соат | Амалий | Мустақил |
|-------|------------------|--|-----------------------------|-------------|-----------|-----------|
| 1 | 3 | 4 | 5 | 6 | | |
| 1 | амалий | Introduction to the course: Course syllabus, assessment specs | | 4 | 2 | 2 |
| 2 | амалий | People and personalities | <i>Horoscopes</i> | 4 | 2 | 2 |
| 3 | амалий | People and personalities | <i>Stereotypes</i> | 4 | 2 | 2 |
| 4 | амалий | People and personalities | <i>Characters</i> | 4 | 2 | 2 |
| 5 | амалий | Current control work | <i>Summarizing texts</i> | 4 | 2 | 2 |
| 6 | амалий | National identities of Uzbekistan | <i>Encyclopedia entries</i> | 4 | 2 | 2 |
| 7 | амалий | National identities of Uzbekistan | <i>Encyclopedia entries</i> | 4 | 2 | 2 |
| 8 | амалий | National identities of English speaking countries | <i>Short stories</i> | 4 | 2 | 2 |
| 9 | амалий | National identities of English speaking countries | <i>Magazine articles</i> | 4 | 2 | 2 |
| 10 | амалий | REFLECTION | | 2 | 2 | |
| Жами: | | | | 38 | 20 | 18 |

1.2. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” (Writing) фанидан машғулотларнинг мавзулар ва соатлар бўйича тақсимланиши: 3-семестр

| Т/р | Машғулот турлари | Мавзу номи | Текст турлари | Умумий соат | Амалий | Мустақил |
|-----|------------------|--|-----------------------------------|-------------|--------|----------|
| 1 | 3 | 4 | 5 | 6 | | |
| 1 | амалий | Introduction to the course: Course syllabus, assessment specs | | 4 | 2 | 2 |
| 2 | амалий | People and personalities | <i>Form Completion</i> | 4 | 2 | 2 |
| 3 | амалий | People and personalities | <i>CV</i> | 4 | 2 | 2 |
| 4 | амалий | People and personalities | <i>Description of appearances</i> | 4 | 2 | 2 |
| 5 | амалий | People and personalities | <i>Personal statement</i> | 4 | 2 | 2 |
| 6 | амалий | National identities of Uzbekistan | <i>Diary</i> | 4 | 2 | 2 |
| 7 | амалий | National identities of Uzbekistan | <i>Personal letters</i> | 4 | 2 | 2 |
| 8 | амалий | National identities of | <i>Postcards,</i> | 4 | 2 | 2 |

| | | | | | | |
|------------------------|--------|------------|---------------------|-----------|-----------|-----------|
| | | Uzbekistan | <i>invitations</i> | | | |
| 9 | амалий | Review | <i>Peer editing</i> | 4 | 2 | 2 |
| Жами: | | | | 36 | 18 | 18 |
| Жами 3 семестр: | | | | 74 | 38 | 36 |

1.3. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” (Reading) фанидан машғулотларнинг мавзулар ва соатлар бўйича тақсимланиши: 4-семестр

| Т/р | Машғулот турлари | Мавзу номи | Текст турлари | Умумий соат | Амалий | Мустақил |
|-------|------------------|---|-----------------------------|-------------|-----------|-----------|
| 1 | 3 | 4 | 5 | 6 | | |
| 1 | амалий | Introducing course requirements and assessment specifications for semester II | | 4 | 2 | 2 |
| 2 | амалий | Family values | <i>Short stories</i> | 4 | 2 | 2 |
| 3 | амалий | Family values | <i>Newspaper articles</i> | 4 | 2 | 2 |
| 4 | амалий | Family values | <i>Encyclopedia entries</i> | 4 | 2 | 2 |
| 5 | амалий | Family values | <i>Short stories</i> | 4 | 2 | 2 |
| 6 | амалий | Current control work | <i>Summarizing texts</i> | 4 | 2 | 2 |
| 7 | амалий | Education | <i>Advertisements</i> | 4 | 2 | 2 |
| 8 | амалий | Education | <i>Scholarships</i> | 4 | 2 | 2 |
| 9 | амалий | Education | <i>E-learning</i> | 4 | 2 | 2 |
| 10 | амалий | REFLECTION | | 4 | 2 | 2 |
| Жами: | | | | 40 | 20 | 20 |

1.4. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” (Writing) фанидан машғулотларнинг мавзулар ва соатлар бўйича тақсимланиши: 4-семестр

| Т/р | Машғулот турлари | Мавзу номи | Текст турлари | Умумий соат | Амалий | Мустақил |
|------------------------|------------------|----------------------|--|-------------|-----------|-----------|
| 1 | 3 | 4 | 5 | 6 | | |
| 1 | амалий | Family values | <i>Internet language (e-mail, forums, blogging)</i> | 4 | 2 | 2 |
| 2 | амалий | Family values | <i>Writing paragraph</i> | 4 | 2 | 2 |
| 3 | амалий | Family values | <i>Pre-writing stage (clustering, mapping...)</i> | 4 | 2 | 2 |
| 4 | амалий | Family values | <i>Developing of topic sentence</i> | 4 | 2 | 2 |
| 5 | амалий | Current control work | <i>Summarizing texts</i> | 4 | 2 | 2 |
| 6 | амалий | Education | <i>Task analysis</i> | 4 | 2 | 2 |
| 7 | амалий | Education | <i>Descriptive paragraph</i> | 4 | 2 | 2 |
| 8 | амалий | Education | <i>Process writing (1st draft; peer evaluation)</i> | 4 | 2 | 2 |
| 9 | амалий | Education | <i>Review</i> | 4 | 2 | 2 |
| Жами: | | | | 36 | 18 | 18 |
| Жами 4 семестр: | | | | 74 | 38 | 38 |

2.2. Ўқув материаллари мазмуни

2 курс давомида ўқиш модули бўйича кейинги курсда ўтиладиган тахминий мавзулар биринчи курс мавзулар мазмунига ўхшаш бўлсада, бу курсларда асосий эътибор ушбу мавзуларнинг чуқур ва батафсил ўрганилишига қаратилади.

Матн турлари (оригинал матнлар)

- таомномалар, рецептлар;
- жадваллар, шакллар;
- кичик ҳикоялар;
- гороскоплар;
- шахсий хатлар;
- кундаликлар;
- инфор­мацион буклетлар, брошюралар, (фильмлар, кўргазма ва ҳоказолар.), сайёҳлик йўриқномалари;
- журнал мақолалари (машҳур шахслар билан суҳбатлар, гороскоплар);
- янгиликлар баёни;
- таниш мавзуларга оид қисқа газета мақолалари;
- шеърлар;
- интернет матнлари (блоглар);
- эълонлар (грантлар, саёҳат манзиллари ҳақида);
- йўриқномалар (техник воситалар, асбоблар учун);
- энциклопедик мақолалар.

Ўқиш мақсадлари

- экстенсив ўқиш (бадий ўқиш)
- интенсив ўқиш (маълумот учун ўқиш)

Ўқиш стратегиялари

- асосий фикрларни англаш\билиш учун ўқиш;
- ғояни билиш учун ўқиш;
- махсус маълумотни олиш учун ўқиш;
- сўзларнинг контекстдаги маъносини топиш;
- диққат билан ўқиш;
- кўз югуртириб ўқиш;
- тез ўқиш.

Ўқиш жараёнида учрайдиган муаммоларни аниқлаш ва уларни тузатиб бориш

- паст овозда ёки овоз чиқариб ўқиш;
- ҳижжалаб ўқиш;
- такроран ўқиш;
- юзаки ўқиш;
- луғатларга мурожаат қилиш.

2 курс давомида ёзма нутқ амалиёти бўйича:

Фактлар асосида ёзиш:

- баённомалар (масалан, ижтимоий тадқиқотлар, жамоа муаммолари, таълим

жараёнига оид муаммолар ва б.)

Иншолар:

- тасвирий;
- ҳикоя тарзидаги;
- қиёсий;
- таҳлилий (сабаб ва натижаларни таҳлил қилиш);
- китоб ёки фильмларнинг қисқа тақризи;
- университет газетаси учун мақола

Хатлар ва бошқа мулоқот ҳужжатлари:

- турли мақсадлардаги хатлар;
- расмий ва норасмий хатлар;
- ёзма танқидий, рад жавоби (масалан, бизнесдаги ҳамкорига)
- норасмийэлектрон хатлар

3 курс давомида

Фактларга асосланган ёзма нутқ:

- ҳисоботлар (учрашувҳисоботлари, ташрифҳисоботлари);
- тадқиқот ҳисоботлари;
- яхши ва ёмон томонларини баҳолаш ва таҳлилий ҳисобот

Иншолар:

- фикр билдирувчи иншо;
- “қарши ёки қарши эмаслик фикрини баён этувчи” иншо
- баҳс мунозарали иншо тури
- танқидий баёнлар 2-курсдагига қараганда батафсил ва кенг бўлиши лозим;
- воқеа-ҳодисалар шарҳи;
- мақола шарҳи

Хатлар ва расмий ҳужжатлар:

- расмий хатлар;
- ариза;
- илова хати;
- тавсиянома;
- тушунтириш хати ва б.

Ўқиш ва ўқитишга ёндашув:

- топшириқларга асосланган амалий иш;
- турли матнлар таҳлили (газета, журнал мақолалари)
- матнларни ўрганилаётган чет тили ва она тилида параллел, қиёслаганҳолда таҳлил қилиш;
- дарсдан ташқари ёзма вазифалар;

Ёзма нутқ жараёни:

- ёзма нутқ учун тайёргарлик машқлари;
- дастлабки (хомаки);
- ўзаро қайта кўриб чиқиш;
- ўз-ўзини баҳолаш.

2.3. Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

2.4. Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган.

2.5. Мустақил таълим

2.5.1. Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Фан модуллари кесимида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш мақсадида кафедра мутахассислари томонидан услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилади. Уларда талабанинг мустақил ўқиб ўрганишини таъминловчи вазифа ва топшириқлар кўрсатиб ўтилади ва уларни бажариш учун аниқ кўрсатмалар мисоллар ёрдамида берилади. Тилни ўрганиш жараёнида талаба интерфаол усуллар воситасида мустақил таълим олишга рағбатлантирилади ва мустақил фикрлаш талаб қилинади. Бунда ўқитувчи билим берувчи ва баҳоловчи сифатида эмас, балки фасилитатор (инглизча facilitate сўзидан олинган бўлиб, бирор бир жараённинг боришига яхши таъсир этувчи ва унга мос шарт-шароитлар яратиб берувчи) сифатида намоён бўлади. Талабадан фан бўйича мустақил ўрганган билимларини аудиторияда турли хил интерактив услублар орқали намоёниш қила олиши ва бошқаларга ўргата олиши талаб этилади.

2.5.2. Талабалар мустақил таълимининг мазмуни ва ҳажми

| Мустақил таълим мазмуни | Вақти | Ҳажми | Максимал балл |
|---------------------------------------|-------------|----------|---------------|
| 3-семестр | | | |
| Preparing informative booklet | 1-6 ҳафта | 1 | 1 |
| Writing tour guide | 7-9 ҳафта | | 1 |
| Writing essay about movie | 10-11 ҳафта | | 1 |
| Reading and summarizing news | 12-13 ҳафта | 1 | 1 |
| Reading info about educational grants | 14-15 ҳафта | | 1 |
| Preparing questionnaires | 16-17 ҳафта | | 1 |
| 4-семестр | | | |
| Reading booklets | 1-6 ҳафта | 1 | 1 |
| Writing letter 1 | 7 ҳафта | | 1 |
| Writing letter 2 | 8-12 ҳафта | | 1 |
| Reading internet articles | 13 ҳафта | 1 | 1 |
| Reading complicated instructions | 14-16 ҳафта | | 1 |
| Writing essay | 17 ҳафта | | 1 |
| Жами: | 12 | 4 | 12 |

4.3. Рейтинг назорати жадвали (4-семестр)

| № | Вазифа | Сони | Балл | Умумий балл |
|-------------------------------|----------------------------------|------|------|-------------|
| 1. Жорий Назорат (ЖН) | | | | |
| 1.1 | Портфолио | 1 | 1 | 10 |
| 1.2 | Матнлар портфели | 1 | 1 | 15 |
| 1.3 | Фильм ёки китобга ёзилган тақриз | 1 | 1 | 5 |
| 1.4 | Ҳикоя ёзиш | 1 | 1 | 10 |
| ЖН Жами: | | | | 40 |
| 2. Оралиқ Назорат (ОН) | | | | |
| 2.1 | Турли матнларга асосланган тести | 1 | 15 | 15 |
| 2.2 | Расмий хат | 1 | 15 | 15 |
| ОН Жами: | | | | 30 |
| 3. Якуний Назорат (ЯН) | | | | |
| 3.1 | Ёзма шакли ёки тест | 1 | 30 | 30 |
| ЯН Жами: | | | | 30 |
| Жами (ЖН+ОН+ЯН): | | | | 100 |

4.4. Рейтинг жадвали (4-семестр)

| № | Февраль | Март | | | | | Апрель | | | | Май | | | Июнь | | | | | | | | | | | | | |
|-----------------------|-----------|----------------------------------|-------|------|------|-------|-----------|-------|------|------|-----------|-------|-------|------|------|-------|-----------|------------|----|----|----|----|----|----|----|----|---|
| | | 12-17 | 19-24 | 26-3 | 5-10 | 12-17 | 12-17 | 19-24 | 26-3 | 5-10 | 12-17 | 12-17 | 19-24 | 26-3 | 5-10 | 12-17 | | 23-28 | | | | | | | | | |
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | | | | |
| 1 | ЖН 70% | Порт-фолио | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | 10 | | |
| | | Матнлар портфели | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | 15 | |
| | | Фильм ёки китобга ёзилган тақриз | | | | | | | | | | | 5 | | | | | | | | | | | | | | 5 |
| | | Ҳикоя ёзиш | | | | | | | | | | | | | | | | | 10 | | | | | | | 10 | |
| | | ОН | | | | | | | | | 15 | | | | | | | | | 15 | | | | | | 30 | |
| 2 | ЯН – 30% | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 30 | 30 | | |
| Жами | | 12 | | | | | 30 | | | | 28 | | | | | | 30 | 100 | | | | | | | | | |
| Жами ГП бўйича | | 12 | | | | | 42 | | | | 70 | | | | | | 30 | 100 | | | | | | | | | |

Эслатма: 4-семестрда ўқитиладиган “Ёзма нутқ амалиёти ва ўқиш” фанининг ўқув ҳажми 74 соатни ташкил этганлиги сабабли фан коэффициентини 0,74 бўлади. Фан бўйича ўзлаштиришни аниқлашда талаба тўплаган бали 0,74 га кўпайтирилади ва бутунгача яхлитлаб олинади.

| Баҳо | 5 | 4 | | 3 | 2 |
|--------------------------------|--------|-------|--|-------|------|
| Рейтинг | 86-100 | 71-85 | | 55-70 | < 55 |
| Фанни ўзлаштириш кўрсаткичлари | 64-74 | 53-63 | | 41-52 | <41 |

4.5. Талабалар билимини баҳолаш мезони

| Баҳо | Мезон |
|------------------|--|
| 100-86 (Аъло) | <p>Турли жанрдаги ёзма матнларни, жумладан таклифнома, таржимаи ҳол, шахсий ва расмий хатларни ва аризалар тўғри ёзиш; эшитган, кўрган ва ўқиган мавзуси асосида қисқа иншолар ёза олиш; гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш; жумлаларни бир-бирига боғлаш учун ишлатиладиган боғловчилар, кириш сўзларидан тўғри фойдаланиш; иншонинг тузилиши (кириш, асосий қисм ва хулоса), унинг мантиқий узвийлиги ва яхлитлигини таъминлай олиш; ёзма нутқда матн жанрига ҳамда мақсадига мувофиқ расмий ёки норасмий услубни танлаб, ёза олиш; ўз фикр ва мулоҳазаларини лингвистик курс мавзуларидан келиб чиққан ҳолда иншо мавзулари бўйича ёзма равишда аниқ ва мантиқий баён этиш; қиёсий, таҳлилий ва танқидий турдаги баёнларни режалаштира олиш ва уларда ўз фикрларини далиларга асосланган тарзда ёзиш; умумий ва ўзларига яқин мавзудаги мақолаларни, учинчи босқичда эса, касбга доир илмий мақолаларни қисқачи мазмунини ёзиш; китоб ёки фильмларнинг мазмунини танқидий фикрларга асосланган ҳолда ёзма баён эта олиши ва уларга қисқа тақриз ёза олиш; ёзма нутқдаги турли услублардан маҳорат билан фойдаланиш; ўз ёзма нутқини таҳрир қилишга текшириш орқали она тили интерференцияси муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш; режалаштириш, баҳолаш, таҳрир қилиш ва қайта кўриб чиқиш каби мавзулардан иборат бўлади; тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари (ҳикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари ва ҳоказолар) билан ишлаш; матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни (асосий фикрларни англаш учун ўқиш, ғояни билиш учун ўқиш, махсус маълумотни олиш учун ўқиш); бадиий адабиётларни (биринчи курсда кичик ҳикоялар ва шеърлар иккинчи ва учинчи курсдан романлар) шу жумладан, замонавий бадиий матнларни қийналмасдан ўқий олиши ва босқичма-босқич уларда тасвирланган сиёсий, ижтимоий, маънавий, тарихий жараёнларни; ўқиш, тушуниш ва муҳокама қилиш учун берилган катта ҳажмдаги матн билан ишлай олиш ва тегишли хулоса чиқариш; ўқиш жараёнида ёзма баёнот, ҳисобот, маърузаларда келтириб ўтилган фикр-мулоҳазаларга ҳамда ўз фикрларига таяниб таҳлил ва муҳокама қилиш; айрим ўринларда луғатлар билан ишлаган ҳолда турли жанр ва соҳаларга оид мураккаб матнларни ўқиб, тушуниб, таҳлил ва муҳокама қила олиш; ўз соҳаларига оид турли матн турларини (кичик ҳикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари) ўқиб, матн юзасидан хулоса чиқара олиш; матнлардаги фикрларни, муаллиф ғоясини ва муболағани аниқлаш; маданият ва санъатга оид мавзулардаги (фильм, театр, бадиий адабиёт) мақола ва тақризларни ўқиб, ундаги асосий фикрларни айта олиш; ўқиш жараёнида учраши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаб, уларни тўла бартараф этиш; берилган махсус матнлардаги маълумотлар, ғоялар ва фикрларга таяниб, мустақил тарзда илмий маъруза тайёрлай олиш каби етакчи мавзулар ташкил этади.</p> |
| 85-71 (Яхши) | <p>Турли жанрдаги ёзма матнларни, жумладан таклифнома, таржимаи ҳол, шахсий ва расмий хатларни ва аризалар тўғри ёзиш; эшитган, кўрган ва ўқиган мавзуси асосида қисқа иншолар ёза олиш; гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш; жумлаларни бир-бирига боғлаш учун ишлатиладиган боғловчилар, кириш сўзларидан тўғри фойдаланиш; иншонинг тузилиши (кириш, асосий қисм ва хулоса), унинг мантиқий узвийлиги ва яхлитлигини таъминлай олиш; ёзма нутқда матн жанрига ҳамда мақсадига мувофиқ расмий ёки норасмий услубни</p> |

| | |
|------------------------------------|---|
| | <p>танлаб, ёза олиш; ўз фикр ва мулоҳазаларини лингвистик курс мавзуларидан келиб чиққан ҳолда иншо мавзулари бўйича ёзма равишда аниқ ва мантикий баён этиш; тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари (хикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари ва ҳоказолар) билан ишлаш; матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни (асосий фикрларни англаш учун ўқиш, ғояни билиш учун ўқиш, махсус маълумотни олиш учун ўқиш); бадиий адабиётларни (биринчи курсда кичик хикоялар ва шеърлар иккинчи ва учинчи курсдан романлар) шу жумладан, замонавий бадиий матнларни қийналмасдан ўқий олиши ва босқичма-босқич уларда тасвирланган сиёсий, ижтимоий, маънавий, тарихий жараёнларни; ўқиш, тушуниш ва муҳокама қилиш учун берилган катта ҳажмдаги матн билан ишлай олиш ва тегишли хулоса чиқариш.</p> |
| <p>56-70 (Қони- қарли)</p> | <p>Турли жанрдаги ёзма матнларни, жумладан таклифнома, таржимаи ҳол, шахсий ва расмий хатларни ва аризалар тўғри ёзиш; эшитган, кўрган ва ўқиган мавзуси асосида қисқа иншолар ёза олиш; гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш; жумлаларни бир-бирига боғлаш учун ишлатиладиган боғловчилар, кириш сўзларидан тўғри фойдаланиш; тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари (хикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари ва ҳоказолар) билан ишлаш; матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни (асосий фикрларни англаш учун ўқиш, ғояни билиш учун ўқиш, махсус маълумотни олиш учун ўқиш); бадиий адабиётларни (биринчи курсда кичик хикоялар ва шеърлар иккинчи ва учинчи курсдан романлар) шу жумладан, замонавий бадиий матнларни қийналмасдан ўқий олиши ва уларда тасвирланган жараёнларни; ўқиш, тушуниш ва муҳокама қилиш.</p> |
| <p>0-55 (Қони- қарсиз)</p> | |

V. ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

5.1. Асосий адабиётлар

1. Bohlke, D., Zemach, D.E. Skillful 1. Reading and writing. – London: Macmillan, 2013.
2. Rogers, L., Wilkin, J., Zemach, D.E. Skillful 2. Reading and writing. – London: Macmillan, 2012.
3. Scarry, S., Scarry, J. The Writer’s Workplace with Readings: Building College Writing Skills. – Thomson Learning: Sixth Edition, 2010.

5.2. Қўшимча адабиётлар

1. Driscoll, L. Reading Extra. A resource book of multi-level skills activities. – Cambridge: Cambridge University Press, 2004.
2. Fry, E. B. Skimming and scanning Pre-intermediate. – Jamestown: J. Publishers, 2000.
3. Greenall, S. & D. Pye. Reading 1, Cambridge Skills for Fluency. – Cambridge: Cambridge University Press, 2007.
4. Newspapers and magazines (e.g. English Teaching professional, Modern English Teacher, Uzbekistan Today, The Economist, The New Scientist, National Geographic etc.).

5.3. Интернет сайтлари

1. www.developreading.com
2. www.teachingenglish.org.uk
3. www.online-literature.com
4. www.literature.org/
5. www.pearsonlongman.com/ae/

...